

THE IMPORTANCE OF THE SPIRITUAL HERITAGE OF EASTERN SCIENTISTS IN THE EDUCATION OF CHILDREN WITH DISABILITIES

Akbarova Nigorahon

Fergana is a teacher of a specialized vocational school for people with disabilities

Abstract: The article analyzes the organizational and pedagogical factors for the effective use of the views of the world's scientists on the problem in the education system in the development of children with disabilities.

Keywords: child, student, education, special education, disability, disability student, social activity, history, spiritual heritage.

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Акбарова Нигорахон

Фарғона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада имконияти чекланган болаларнинг ктеук шахслар бўлиб етишишларида таълим тизимида шар аолломаларининг муаммога доир қарашларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-педагогик омиллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бола, ўқувчи, таълим, махсус таълим, имконияти чекланганлик, имконияти чекланган ўқувчи, ижтимоий фаоллик, тарих, маънавий мерос.

Жамиятни тараққий эттиришда инсон ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада имконияти чекланган инсонлар давлат, жамият томонидан қўллаб-қувватланиши ва жамият ҳаётига интеграцияланиши зарурий шарт сифатида намоён бўлади. Ҳатто ўтмишда ҳам буюк аждодларимиз ўзларининг маънавий меросларида баркамол инсонни вояга етказиш, инсон психикасининг ривожланиш хусусияти, руҳиятини, ички кечинмаларини билиш ўрганиш муҳимлигини таъкидлаганлар.

Шундай бобокалонларимиздан Абу Райхон Беруний ҳам ўз асарларида инсон руҳияти ҳақида тўхталади, оламни билиш, тафаккур қилиш жараёнлари ҳақида маълумотлар келтиради. “Инсон руҳияти жамият аъзолари билан муносабатда такомиллашиб боришини айтиб ўтади”. Руҳият, онг ва тафаккур барча ҳодисаларнинг таъсири билан боғлиқ. Аммо инсон нарс ва ҳодисаларнинг фақат сифат ҳамда хусусиятлари ҳақида билим берувчи, ҳиссий билиш даражасида тўхтаб қолмайди, балки нарсаларни чуқур ва атрофлича билиш, шу нарсалар ҳақида фикр юритишни талаб қилади. Тафаккур, ақл туфайли инсонларни ва ҳодисаларни бир-бири билан солиштириб, қиёслаб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди, яъни билимларининг воқеликка мослигини текшириб кўради.

Буюк мутафаккир бобомиз Абу Али ибн Сино (998-1057) илмий меросида руҳият масаласи ҳам кенг ёритилган. Олим ўзидан олдин ўтган олимлар: Абу Наср Форобий, Ал-Кинун, ар-Розий ва бошқаларнинг руҳият соҳасидаги таълимотларини ўрганди, уларга доир асарлар ёзди. Жумладан, “Жон тўғрисидаги”, “Тушни йўниш китоби”, “Тиб қонунлари”, “Шифо

берувчи китоб”, “Нажот берувчи китоб”, “Донишнома” ва бошқа асарларида ҳам руҳиятга доир кўпгина муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилган.

Агар ҳар қандай нарса ички ёки ташқи сабаблар билан ҳаракатга келадиган бўлса, демек инсонни яшаши, ҳаракатида ҳам бирорта сабаб бўлиши керак, бундай сабаблардан бири “руҳий қувватлар” деб кўрсатади олим. Ибн Сино руҳият ҳайвон ва инсонга хос нарса деб таъкидлар экан, ҳайвон психикасининг инстинктив характерга эга эканлигини, инсон эса онгли фикрловчи зот эканлигини уқтиради. “Инстинкт, дейди олим:-шундай қувватдирки, бу ҳайвон онгида мантиксиз вужудга келади”.

Шарқнинг энг ёрқин мутафаккир юлдузи, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийдир. Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд қуйган. Навоий асарлари кўпқирралилик хусусиятига эга бўлиб, уларнинг мазмунини тасаввуф таълимоти, ахлоқ-одобга оид панд-насихатлар, назм қоидалари, тарихий воқеалар тафсилоти ташкил этади.

Мир Алишер Навоий ўзининг халқпарварлиги билан доимо халқ фаровонлигини ўйлаб ташвишланган. Бу кечинмаларини ўз ижодида ҳам ифодалаган. Жамиятдаги барча инсонларни бир хил, тенг деб ҳисоблаган. “Махбуб ул-қулуб” асарида шундай ёзади:

“Сарву гулу лола харидори бор,
Ўтиннинг доғи, бозори бор” .

Яъни, сарви гули чиройли бўлганлиги учун унинг харидорлари кўп, аммо ўтин кўримсиз бўлсада, унга ҳам зарурий эҳтиёж бор.

Агарда биз бу шоҳ мисраларга махсус педагогика нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, соғлом болалар ва инсонларнинг жамиятдаги ўрни маълум, аммо шундай бўлсада, ногирон-махсус эҳтиёжли болалар ва шахсларнинг ҳам ўз ўринлари бор. Улар ҳам жамият учун нафли. Шунинг учун ҳам барча инсонларни тенгликда қарамоқ лозим, деган маъно англашилади. Шундай қилиб, ғазал мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳам ўз нуқтаи назари билан таълимдаги тенгликни илгари сурганлар.

Буюк мутафаккирларимизнинг асарларни таҳлил қилар эканмиз, улар ўз асарлари билан ногирон болалар таълим-тарбияси мазмунининг бой методологик асосларини яратганлигига гувоҳлик беради. Уларнинг қимматбаҳо фикрлари ва ғояларига суянган ҳолда бугунги кунда ҳам давлатимиз томонидан имконияти чекланган инсонларга бўлган эътибор тобора ўз ифадасини топмоқда, яъни уларни заифлик-чорасизлик ҳолатида қолдириш эмас, балки психологик-педагогик тадбирлар орқали бошқариш ва муаммоларини ҳал этиш масалалари илгари сурилмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, махсус таълим муассасаларининг бугунги вазифаси имконияти чекланган ўқувчиларни замонавий билимлар, ҳаётга тўсиқларсиз уйғунлашиб кетишининг омили саналган маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантириш, ижтимоий малакалар билан қуроллантириш, шахсий ва ижтимоий ҳаётда мустақил равишда фаолият кўрсата олишга ўргатишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида имконияти чекланган болаларга таълим–тарбия беришнинг асосий мақсади - ёш авлодни истиқлол ғоялари асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган илк шартномалардан бири айнан “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” бўлди. Бугунга келиб юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Айниқса, республикаимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг таълимга оид маърузалари, мустақилликдан сўнг қабул қилинган қатор қонунлар, “Таълим тўғрисида”, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида” ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 433-қарори, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”,

“2001-2006 йилларга мўлжалланган Ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш Дастури”, 2007 йилнинг “Ижтимоий муҳофаза йили” деб эълон қилиниши ва бошқа қатор чора-тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг яшаши ва ҳаётини яхшилашга қаратилган ижтимоий ғамхўрликнинг яққол далилидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларимизнинг барчаси жамиятни бир бутун деб қараб, барча инсонларни тенг деб ҳисоблаганлар, жумладан, имконияти чекланган болалар ва соғлом болаларни биргаликда ўқитиш лозимлигига оид қарашлари махсус эҳтиёжли болалар таълим тизимида жуда қимматлидир. Демак, махсус эҳтиёжли болаларга ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида таълим тарбия бериш буюк Шарқ мутафаккирларининг ҳам диққат марказидан четда қолмаган. Бугунги кунда ҳар бир имконияти чекланган ўқувчилар учун жамиятимизда етарли шарт-шароитлар ташкил этилиб, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига имкониятлар яратилмоқда. Бу масалани ечиш бир томондан таълим муассасаларининг махсус фаолиятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мутахассис дефектологларнинг малакаси ва шахсий жиҳатларига узвий боғлиқ. Зеро, президентимиз айтганларидек, “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: “Шарқ”, 1997, 20-29 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: “Шарқ”, 1997, 31-61 бетлар.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.-176
4. Абу Райҳон Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида.-Т.,1992.
5. Навоий А. Махбуб ул - қулуб. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - 112б.
6. Назарова Д. Махсус таълим атамаларининг изохли луғати.-Т., 2012.
7. Пўлатова П.М. “Махсус педагогика (олигофренопедагогика)” Ўқитувчи- 2005 й.
8. Файзиева У. “Имконияти чекланган болаларни оилаларда тарбиялаш”.-Т.,2009
9. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али Ибн Сино.-Т.,1992.